САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноби олийлари,

Самимий қабул қилганингиз, иккала давлатимиз учун муҳим ва мазмунли суҳбатингиз учун Сизга чин дилдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз, шу суҳбат чоғида мамлакатингиз ва унинг олдида турган муаммолар тўғрисида кўп янгиликларни билиб олдим. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобингизга эсдалик сифатида дастхат ёзиб берганингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз. Бу китобни мен ғоят жиддий таҳлилий асар, деб ҳисоблайман, чунки у фақат ўзбек халқи ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга мамлакатингиз дўстлари учун ҳам муҳимдир. Фақат Ўзбекистонда кечаётган жараёнларни яхши англашга имкон берибгина қолмай, бутун минтақанинг яхлит манзарасини унинг барча муаммолари билан биргаликда акс эттиради.

Ғоят меҳмондўст мамлакатингизга ташрифимдан ўта мамнунлигимни айтишга рухсат бергайсиз. Пухта ўйлаб тузилган дастур туфайли бизга Ўзбекистон Республикасининг кўпгина юкори лавозимли шахслари билан ҳам учрашишга, шунингдек, Тошкент ва Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейини бориб кўриш туфайли делегациямизнинг тарих ва маданият соҳасидаги билимларини бойитишга имконият яратилди.

Ўзбек халқининг тарихий ва адабий меросига тан бериб, ўзбек адабий тилининг асосчиси, ажойиб мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали пойига зўр мамнуният билан гул қўйдим.

Мамлакатларимиз парламентлари, умуман давлатларимиз ўртасидаги турли соҳадаги алоқалар бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланаверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Келажакда ҳам Ўзбекистон Латвия учун Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкор бўлиб қолишига ишончим комил.

Ҳурмат билан,
Алфредс ЧЕПАНИС,
Латвия Республикаси Саэйми раиси.

ТУРКИЙ РАМЗ

ТОШКЕНТ. Ҳаётнинг мўъжизавий неъматларидан ҳеч ким бебаҳра эмас. Ачабод маҳалласида истиқомат қилувчи Ширинов-лар оиласи яқинда шундай бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлишди. Улар ҳонадонида уч эгиз фарзанд дунёга келди. Авиация заводида хизмат қилувчи бахтиёр ота ўз аъзоматларига эзгу ниятлар билан Ислом, Нурсултон, Асқаржон дея исм қўйди. Қачонлардир маҳрур жаранглаган Туркистонни ёдга солувчи бу номларнинг ўзбек оиласида намоён бўлиши ҳам бу заминнинг эртанги қудратидан дарак беради.

Малохат МИНГБОЕВА.

ФОЙДАЛИ ТАКЛИФЛАР

ФАРҒОНА. Қўқондаги 10-автобус саройи очиқ хиссадорлик жамиятида ихтирочилик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ишчи А. Абдувохидов, ҳайдовчи К. Мазоитов ва катта уста А. Илишовларнинг "Мерседес-Бенц" ва "Дельда" русумли чет эл автобусларининг бошқарув ва электр қисмларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифлари ўз самарасини берди. Таклифлар жамият ҳисобига 19 минг 700 сўм фойда келтирди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 20 декабрь, шанба № 149 (22.232).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1998 йил — Оила йили

Суратда: тошкентлик опа-сингиллар 83 ёшли Мунаввар буви билан 94 ёшли Манзура буви.
Владимир ПАНОВ олган сурат.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Хадра — Тошкентнинг энг гавжум майдонларидан бири. Бу ерда транспорт қатновини тартибга солиш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ерости йўллари қурилди.

18 декабрь куни давлатимиз раҳбари ана шу майдонни кўздан кечирди. Бу ишга мутасадди бўлган раҳбарлар, қурувчилар, йўлсозлар билан суҳбатлашди. Шу куни юртбошимиз замонавий технология ва миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган республика Олий Мажлисининг янги биносини ҳам бориб кўрди. Деворларни қадимий миниатюра услубида безаш, фавваларга рангли чироқлар ўрнатиш, атрофни кўкламзорлаштириш, уни Миллий боғ билан ягона мажмуага айлантириш ҳақида зарур маслаҳатлар берди.

* * *

Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан Тошкент аэропорти ўртасида Тошкент аэропортини таъмирлаш учун 48 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, Молия вазирлигида Тошкент аэропортини замонавийлаштириш учун кредит ажратиш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон ҳукумати томонидан кафолатлаш бўйича ҳам ҳужжат имзоланди.

* * *

Пойтахтнинг Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театрида ўзбек мусиқа санъатининг атоқли намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

* * *

Нуротадаги «Нуржаҳон» фольклор-этнографик бадиий жамоаси келгуси йил май ойида Германияда ўтказиладиган жаҳон халқлари фольклор-этнографик фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* * *

Эртага Гулистон шаҳрида бокс бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати ўтказилади. Унда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳам яна бир марта ўзини синаб кўради.

* * *

Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан республика умумтаълим мактабларининг 9-, 11-синф ўқувчилари ва ҳунар билим юртларининг талабалари ўртасида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуидаги анъанавий ижодий иншолар танловининг I, II, III босқичи туман ва вилоятларда ўтказилди. Энди бу танловнинг сўнгги босқичи келгуси йил 9 январь куни пойтахтимизнинг Нафис санъат музейида бўлиб ўтади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

18 декабрь куни Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Президент сайловларида Ким Тэ Чжун ғолиб чиқди. Сайловчиларнинг 40,3 фоизи уни ёқлаб овоз берди. Япония давлат раҳбарлари Ким Тэ Чжунни сайловда ғолиб чиққани билан табриклади. Бироқ Жанубий Кореяда янги президент сайланиши Японияда акциялар нархининг тушиб кетишига сабаб бўлди. Жанубий Кореянинг янги президенти қилиб сайланган Ким Тэ Чжун мамлакатдаги молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишга ваъда берди. Бироқ мамлакат инқирозли вазиятдан ҳали-вери чиқишига ҳеч кимнинг кўзи етмайди.

* * *

Қирғизистон ҳукумати алкоголли ичимликлар, тамаки ва қирғизларнинг миллий анъаналарига салбий таъсир кўрсатувчи турли рекламаларни намойиш этишни ман этди.

* * *

Белоруссия миллий кенгашининг юқори палатасида мамлакатнинг 1998 йилга мўлжалланган бюджети масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Кореяда кам сонли туб аҳоли муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

* * *

Белоруссия Президенти Александр Лукашенко жума куни Борис Березовский билан учрашди.

* * *

АҚШнинг Техас штатидаги Плейно шаҳрида қуролланган жиноятчи болалар боғчасини эгаллаб олди. Мана икки кундан бери қарама-қаршилиқ давом этмоқда. Ушбу вазиятда гаровга олинганларни қутқариш борасида ҳеч қандай силжишларга эришилгани йўқ.

* * *

Халқаро экспертлар делегацияси Грозний шаҳрига учиб кетди. Улар бу ерда «Гаага ташаббуси» дастури доирасидаги конференциянинг дастлабки мажлисида иштирок этишади.

* * *

Сербияда якшанба кунига мўлжалланган Президент сайловларининг иккинчи тури олдидан ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш ман этилди.

* * *

ГФР мудофаа вазири Германия ҳарбий хизматчиларининг Босниядаги тинчликни сақловчи ҳаракатларини давом эттириши зарурлигига эътиборни қаратди.

* * *

Германияда «Швартау экстра» деб номланган номаълум фирибгар томонидан заҳарланган мармалад бонкаси топилди. Полиция мамлакатнинг шимолий қисмидаги аҳолини эҳтиёткорликка чақиради.

* * *

Оқ уй БМТ Хавфсизлик кенгашини Ироққа нисбатан қўлланилаётган тақиқловчи чораларни Бағдод БМТ назоратчилари билан тўла ҳамкорликни бошлаб юбормагунча давом эттиришга чақирди.

ЮЗ ЭЛЛИКТА ОБУНА

АНДИЖОН. ЎзХДП вилоят кенгаши 150 нафар партия фаоллари ва фахрийларига «Миллий банк», «Тадбиркор банк», «Пахтабанк» вилоят бўлимлари, такси машиналари саройи ҳамда «Андижонбанк» ҳиссадорлик жамияти сингари ҳомий ташкилотлар кўмагида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналига обуна бўлишларини таъминлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

НЕГА СУДГА ЭМАС, ҲОКИМЛИККА МУРОЖААТ ҚИЛАДИЛАР?

Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?

Кўпгина ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар қонунларимизни тўғри тушунмаслик оқибатида содир бўлади. Ёшлар, оддий фуқаролар қонунларни яхши билмасликлари мумкин. Лекин айрим мансабдор шахслар ҳам қонунни тушунмасликлари оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Улар меҳнат қонунларини билмаганлари ҳолда ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиб, уларни қонунсиз ишдан бўшатиб юборадилар. Ҳолбуки, ходимни ишда йўл қўйган камчиликлари учун ишдан бўшатмасдан бошқа таъсир чоралари ҳам қўллаш мумкин. Ёмон кўриб қолган ходимни қонунсиз қувғин қилишгача борган мансабдор шахсни қандай тушуниш лозим?! Бу қонунни кўр-кўрона бузиш ёки менсимасликдир. Ўз ўрнида фуқаролар ҳам қонунларни яхши тушунмасликлари оқибатида ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдилар. Баъзи мансабдор шахслар эса ўз устиларида ишлашни хоҳлашмайди ёки қизиқишмайди. Масалан, Шаҳрисабз тумани А. Хушвақтов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси фуқаро Х. Жумановни ноқонуний равишда ишдан бўшатади. Бу ҳолни ўрганиб чиққан туман суди Х. Жумановни ишга тиклаш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариб беради. Фуқаронинг қўлида уни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори бўлиб ундан норози томон 10 кун ичида Шаҳрисабз туман суди орқали вилоят судига шикоят қилиши ёки равишда кўрсатилган. Қарангки, буни тушунмаган раис суд қарори устидан вилоят ҳокимлигига шикоят қилибди. Ана сизга раиснинг савияси. Раҳбар шундай бўлгач, оддий фуқародан нимани кутиш мумкин?

Қашқадарё вилоят суди фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш ва ҳуқуқий билимларга эга бўлиши учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, вилоятда чиқаётган 30 га яқин газеталарда, маҳаллий телевиденияларда «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Ҳуқуқ билимлари оммага», «Савол беринг, жавоб берамиз» каби мавзуларда чиқишлар қиляпмиз. Бу келажакда ўз мевасини беришига иқрорман.

Фуқароларни, ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш борасида таклифларимиз бор. Жумладан, қонунларни тезкор тарзда фуқароларга етказишда биргина оммавий ахборот воситалари орқали ва ҳуқуқшунослар орқали амалга ошириш қийин. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш, иш ўринлари қисқартирилишини амалга оширишда биринчи навбатда кўпгина ташкилот, корхона, муассасаларда, ҳўжаликларда ҳуқуқшунос маслаҳатчилар штати қисқартирилди.

Бизнинг таклифимиз, барча корхона, ташкилот, муассаса, ҳўжаликларда ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар штатини ташкил қилиш ёки қайта тиклаш лозим. Бу штатларда аввало билимдон мутахассис-ҳуқуқшунослар ишлаши, имкони борича конкурс асосида ишга қабул қилишни ташкил этиш лозим. Бу лавозимларни бажарувчилар маоши бош мутахассисларга тенглаштирилса ўз самарасини беришига ишончимиз комил. Чунки, малакали ҳуқуқшунослар ишласа ташкилотга ҳам, халққа ҳам, давлатга ҳам фойдали бўларди.

Иккинчи таклиф шундан иборатки, кўпгина оилавий жанжалларда ҳам фуқаролар узларининг ҳуқуқ ва бурчларини тўғри билмасликлари оқибатида сарсон ва саргардонликларга дуч келишмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалла ва оқсоқоллар кенгашлари тузилганда ҳам нафақадаги ҳуқуқшунослар кенгаш таркибларига киритилса ва оилавий жанжалларни кўриб чиқишда улар маслаҳатларидан фойдаланилса яхши бўларди.

Бундан ташқари никоҳни бекор қилиш ишларида ҳам фуқаролар ўртасида тушунмовчиликлардан ташқари турли норозиликлар бўлмоқда. Масалан, эр-хотин жанжаллашиб судга боргач, судлар томонидан уларга ярашиб кетишлари учун муҳлат беришади. Лекин, айрим ҳолларда эр ёки хотин никоҳлари бекор қилинмасдан бошқа оила қуриб кетишади. Ўз навбатида бу ҳолат оиланинг иккинчи томонида норозилик туғдириши табиий. Лекин амалдаги қонунларимизда никоҳ бекор қилинмасдан бошқа оила қурганлик учун жавобгарлик йўқ. Шунинг учун қонунларимизга ҳурмат ва бўйсуниш тартибида никоҳлар қонуний бекор қилинмасдан туриб бошқа оила қурган шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик белгиланиши шарт, деб биламиз.

Қурбон НУРМАТОВ,
Қашқадарё вилоят судининг раиси.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун – 220
Ташкилотлар учун – 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

СИФАТЛИ ВА ТЎЙИМЛИ

ҚАРШИ. Ёғ-экстракция ҳиссадорлик жамиятида турли янгиликларга асос солинмоқда. Хусусан, бу ерда маъданли сув ишлаб чиқариш кичик корхонаси ишга туширилган эди. Яқинда эса Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганика институти раҳбарлиги, Тошкент Химтехнология институти билан ҳамкорликда чорва моллари ва паррандачилик учун озуқа — пахта широти ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Корхона раҳбари Р. Ўроқовнинг таъкидлашича, янги озуқа сифатли ва тўйимли, айни пайтда безарардир.

Илҳом КАРОМОВ.

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси Дилфуза Абдуллаева.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ТАБИАТ – ИНСОНИЯТ БЕШИГИ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Асқад Шарипович ҲАБИБУЛЛАЕВ билан суҳбат.

— Асқад Шарипович, Олий Мажлиснинг X сессиясида «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаси кўриб чиқилади. Бу ҳақда нималар дея оласиз?

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг табиатини асраб-авайлаш, унинг бойликларидан унумли фойдаланиш бизнинг биринчи галдаги бурчимиздир. Шу сабабли ҳам миллий дастур тайёрланяпти, кейинги йилларда бу борада бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Яна янги қонун лойиҳалари устида иш олиб боряпмиз: табиат бойликлари, табиатдан пулли фойдаланиш асослари, иккиламчи ресурслар ва чиқиндилар, экологик экспертиза ҳақидаги қонун лойиҳалари ишланмоқда. Ўнинчи сессия кун тартибига қўйилган юқоридаги масалалар бугуннинг долзарб гапидир. Аввало шуни айтиш керакки, бу икки қонун лойиҳаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини давлат томонидан муҳофаза этишга қаратилган.

Мамлакатимизда бу борада давлат қўриқхоналари ташкил этилган. Ёввойи ҳайвонлар, балиқлар ва ёввойи ўсимликлардан фойдаланиш учун рухсат берилган меъёрлар ўрнатилган. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нодир ҳайвонлар ва қушлар — жайронлар, бургутлар сонини сақлаб қолиш ва кўпайтириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жаҳонда биринчи марта ана шундай 11 та қуш эркинликка чиқариб юборилди. Мамлакатимизда шунингдек йўқолиб кетаётган ҳайвон турларининг рўйхати босиб чиқарилди.

— Она-табиатимизни асрашда ҳуқуқий асосга таянмас эканмиз, ҳеч қачон ўйлаган мақсадимизга ета олмаймиз. Бу борада мамлакатимизда катта ишлар қилиняпти. Етарлича ҳуқуқий асос яратилган, дейиш мумкинми?

— Қаранг, кейинги вақтларда табиатни асраб-авайлаш тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинди, табиатни асраб-авайлаш, ер тўғрисида, ер ости бойликлари, сув ва ундан фойдаланиш ва бошқа қонунларимиз ишламоқда. Республикаларо миқёсда ҳам бир қатор ишлар қилинди. Масалан, Бельгиядаги марказ билан ҳамкорликда Мойлисой (Қирғизистон)даги радиоактив чиқиндилар бизга зарар қилмаслиги учун, Фарғона водийсидаги дарё сувлари ва оқоваларининг аҳволини тадқиқ этиш, Тожикистондаги алюмин заводи билан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида ҳаво мусаффолигини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилди. Япония ташкилоти билан ҳамкорликда Орол бўйидаги олтита шаҳарнинг сув таъминоти тизимларини тадқиқ этдик. Уни яхшилаш режалари тузилди. Яқин келгусида натижалари кўриниб қолади.

— Табиат инсоният бешиги, дейдилар. Уни қанчалик авайлаб-асрасак ўзимизга яхши. Атроф-муҳитни покиза сақлаш нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари, барчамизнинг ҳар биримизнинг ишимиз бўлмоғи зарур. Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Қўмитамиз ташаббуси билан Қувасой цемент заводи ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳавога заҳарли моддалар чиқаришнинг олдини олиш мосламалари иши тартибга солинди. Агар шу икки заводда бу борада олинган самарани чўтга солсак 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Ҳақиқатдан саволингизда жон бор. Аҳоли айрим гуруҳларини табиатни муҳофаза қилиш ишларига жалб этиш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири, десак янглишмаймиз. Бу борада биргина Навоий вилоятида қилинаётган ишларни айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ерда дарё ва анҳорлар ёқасидаги ерларни асраб-авайлаш ишига у ерларга яқин жойлашган қишлоқлар аҳолисини жалб этишга муваффақ бўлишди. Қўмитамиз табиат муҳофазасида аҳоли иштироки муҳимлигини ҳисобга олиб, бу борада жаҳон конвенцияси жабҳасида ҳам фаол қатнашаяпти. У атроф-муҳит муҳофазасини амалга оширишда жамоатчилик ҳуқуқларини кенгайтиришни кўзда тутади.

Аммо очиғини айтиш керакки, жамоатчиликнинг экологик ҳаракати мамлакатимизда энди-энди куч тўпламоқда. Ҳозирги кунда 40 га яқин ташкилот бу ҳаракатга қўшилган. Уларнинг кучларини мувофиқлаштириш мақсадида ана шу ташкилотлар вакиллари билан биринчи учрашувни ўтказдик. Бу ҳамкорлик янада кенгаяди, деган умиддамиз.

Сессия олдидан

— Юртбошимиз аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масаласини кескин қилиб қўйган эдилар. Худди шу муаммо сизларга ҳам тааллуқли эмасми?

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда аҳоли кенг қатламлари иштирокини таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бунда биринчи галда уларнинг ҳуқуқлари нимадан иборатлигини жойларда кенг тушунтирмоғимиз зарур. Ана шу мақсадда мутахассисларимиз билан семинарлар, конференциялар, турли учрашувлар ўтказиш, телевидение ва радиода чиқиш, вақтли матбуот нашрларидан унумли фойдаланиш, «Ўзбекистон экологик хабарномаси» журналини нашр этишга аҳд қилинган. Шунингдек, қўмитамиз ўзимиз учун ихтисослашган кадрлар тайёрлашдан манфаатдордир. Фақатгина шу йилнинг ўзида экологик лицейлар кўмагида 26 эколог-мутахассис тайёрланмоқда.

— Албатта, табиатимизни асрашда қонунлар ва режалар муҳим. Шу билан бирга, уларнинг ижросини таъминлаш муваффақиятлар омили ҳисобланади. Ҳаммамиз биргаликда жон куйдиргандагина кўзлаган мақсадга эришамиз. Бу йўлда сизларга омад тилаймиз!

Суҳбатдош:
Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Хатлар, хатлар, хатлар

ЧИРОҚЧИДА ЧИРОҚ МУАММОСИ

Ҳурматли муҳарририят!

Гарчанд, Чироқчидаги чироқ муаммоси ҳақида илгари ҳам кўп ёзилган бўлса-да, яна шу масалада мурожаат этяпмиз. «Қалқама» жамоа хўжалигида газ, деган нарсалар аҳолининг фақат тушигагина киради. Асосийси бу эмас. Чунки, туман марказига яқин қишлоқлар ҳам газлашмаган.

Қишлоғимизга 1970 йили электр сим ёғочлари ўрнатилиб, электр чироғи хонадонларни ёритган эди. Мана шунга ҳам 28 йил бўляпти. Ҳозирда сим ёғочлар чириб қулаб тушмоқда. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар раҳбарларига айтган гапларимиз ҳавога учяпти. Шунинг учун имконияти бор одамлар сим ёғочларни ўзлари қўйиб олишмоқда. Бошқалар эса... Бу ҳам майли, икки йилдан буён электр тармоғи эгалари кеча-кундуз демай электр чироғини ўчириб ташлашади. Ёнган пайтида ҳам бир ёки бир ярим соат ёниб туради, холос.

Шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, уларнинг бундай «хурмача» қилиқлари авжига чиқди. Бунинг сабабини сўраганимизда «аҳоли электр пулларини тўламаяпти», — дейишади. Баъзи хонадон эгалари тўламаётган бўлса, электр пулини вақтида тўлаётган хонадон эгаларининг айби нимада?!

Бизнинг Лангар қишлоғимизда ҳам икки қаватли замонавий мактаб бор. Мактабнинг буғ печкаси ҳам электр нури билан ишлайди. Аммо бир неча кундан бери юқоридаги сабабга кўра синфхоналарда болалар қалтираб ўтиришади.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир маърузасида қишлоқ аҳолисининг шароитини яхшилаш ҳақида куйинади. Айрим ташкилот раҳбарлари, жумладан, Шаҳрисабз электр тармоқлари бошлиғи Азамат Болтаев бундан бехабарга ўхшайди. Зора, Чироқчи туман ҳокимлигидагилар бу ҳақда унга эслатиб қўйишса.

Чироқчи туманидаги «Қалқама» ва «Оқчава» ширкат жамоа хўжаликлари аҳолиси номидан

Ф. САЪДУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номли мактаб ўқитувчиси.

ЮКСАЛАЁТГАН ТАФАККУР. ЭСКИЧА ИЛЛАТ

ёхуд пойтахт кўчаларига бир назар

Инсон ва маънавият

1. «ТОШКЕНТИМ, ПОРЛАГАН ПОЙТАХТСАН БУ КУН»

Давр биз кутгандан ҳам шиддатлироқ илгари одимламоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида юз кўрсатган ўзгаришларни бугун санаб адоғига етиб бўлмайди. Бир-биридан кўркам замонавий бинолар, кенг, равон йўллар, ям-яшил хиёбонлар, шарқона бозорлар... Буларнинг барчаси истиқлолдан кейин амалга оширилди.

— Ўн йил бурун Тошкентда таҳсил олган эдим, — дейди шаҳрисабзлик Ражаб ака Шарипов. — Ўшанда ҳам шаҳар пойтахт мақомига эга эди. Аммо ҳеч қаерда бугунгидек ўзгаришлар сезилмасди. Бозорлар танг-тор, эски шаҳар кўчаларига бош суққан кишининг нафаси қайтарди. Бугун кўчаларни айлансанг, баҳри-дилинг очилади. Ҳамма қулайлик яратилган. Шундай шаҳринг борлигидан фиҳтихор қилар экансан, киши...

Шаҳардаги бу яшариш табиийки, одамларнинг яшаш, фикрлаш тарзига ҳам ўзгариш олиб киради. Аммо...

Шундай қутлуғ жараён кечаётган шаҳар оралаб юрганингда гоҳо қайсидир бино пештоқи ёки йўл четида турган — шўро замонидан қолиб кетган битик ё ёрлиққа кўзинг тушса, таъбинг хира бўлади... Аллақачон даври ўтган бу унсурлар шаҳар юзидаги доғдек кўзингга хунук кўринади.

2. ҚАРОР ВА ИЖРО: У УЧУН КИМ МАСЪУЛ?

1996 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Бежиз эмас бу, албатта. Яқин ўтмишда бирон-бир кўча ёки майдон, ном қўйиш мумкин бўлган бирон нима йўқ эдики, у бевосита коммунистик сиёсатга хизмат қилмасин, шундай ном билан аталмасин... Яқинда эски бир газета қўлимга тушиб қолди, бир мақола қаҳрамони яшайдиган жой шундай аталган: **«Ворошилов районидаги Карл Маркс номли совхознинг Шендрик участкаси...»**

Билмаган одам бу жойни ҳозир топиб бора олмайди ҳатто. Дунё шунчалик ўзгармоқда.

Шу маънода, бу қарорнинг эълон қилиниши муҳим аҳамиятга молик эканлигини тасаввур этиш мумкин.

Албатта, ҳар бир қарор аввало ўзининг ижроси, одамлар ҳаётига киритган ўзгаришлари билан гўзал ва мукаммал саналади. Қарор қабул қилинганига ҳам мана, бир ярим йилдан ошди.

Хўш, амалда қандай ишлар қилинди? Кўча, майдону хиёбонлар номи бугун мақсадга мувофиқми?

Аввало шуни айтиш керакки, ушбу қарор ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими бир эмас, иккита (165 - ҳамда 265 -сонли) қарор қабул қилган. Ҳокимлик қошида Топонимик комиссия мавжуд. Туман ҳокимликларида ҳам шундай Топонимик комиссиялар ишлаб турибди.

Аммо азалдан шу нарса маълумки, ҳар бир тадбирнинг бошида турганлар фаолиятига бевосита амалий натижадан келиб чиқиб баҳо берилади. Тошкентда бир қатор ишлар қилинди: 200 дан ортиқ кўча, тор кўча, хиёбон, майдон, мактаб ва кинотеатрлар миллий хусусиятдан келиб чиқиб янгича ном олди. Пойтахтнинг маркази **Мустақиллик майдони** деб аталиши, шоҳ кўчалардан бири соҳибқирон бобомиз **«Амир Темур»** номи билан юритилиши, бир кўчанинг **«Буюк Турон»**, яна бирининг **«Мовароуннаҳр»** деб ном олиши кимни хурсанд қилмайди, дейсиз. Зеро, бу номлар ўтмишимизни, улуғ аждодларимизни ёдга солиб туради, халқимизнинг азиз фарзандларига эҳтиромини намойиш этиш билан бирга шаҳарнинг қиёфасига миллий ўзига хослик бағишлайди.

Шундай кўчалардан ўтаётганда шу юрт, бебаҳо ўтмиш ўзингизники эканлигини, унинг қисмати тақдирингиз билан туташиб кетганлигини ич-ичингиздан ҳис этасиз. Сўз ва номнинг қудрати, улуғворлиги шунда теран англанади.

3. «КЎЧАНГИЗ КИМНИНГ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ?»

Аммо шаҳарнинг барча туманларида ҳам мана шундай ялпи ўзгариш нафаси сезилмайди. Баъзан эса, шундай ҳолга дуч келасанки, бу кўчалар ростдан ҳам Тошкент шаҳрида жойлашганми ёки ўзга бир юртда, деган хаёлга борганингни сезмай қоласан, киши. Мисол учун Юнусобод туманидаги кўчаларнинг айни кундаги номларига эътибор беринг: **Бородино, Станкевич, Тюмень, Кемерово, Белинский, Шаландин, Каблуков, Керч, Чистяков, Натуралистов, 2-Киев линияси, 3-Киев линияси, Крупская (кутубхона), Ульянов (болалар кутубхонаси), Благоев, 4-Магнитогорская, 5-Магнитогорская, 7-Магнитогорская, Дежнев, Эльбурс, Ялта, Барнаул, Матросов, Сухуми, Миргород, Волокаламская, Рылеев, Гуркин, Неверова, Антипов, Рудиев, Жидков...**

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шунинг ўзи туманда кўчаларни номлаш борасидаги ишлар қониқарсиз эканлигидан далолат.

Ҳеч кимга сир эмас, мана шу кўчаларда минглаб йигит-қизлар яшайди, ҳар куни юзлаб йўловчилар ўтиб-қайтади. Ахир, инсон ўзи дунёга келган маскан, унинг номи, тарихи билан фахрланиб яшаши керак-ку!

— Бир йил илгари бу кўчаларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларимизни шаҳар ҳокимлиги қошидаги Топонимик комиссияга берганмиз, — дейди Юнусобод тумани ҳокимининг муовини, назорат инспекцияси бошлиғи Р. Салимов. — Ҳозирга қадар бирон-бир амалий натижа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам кўчалар номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар 1996 йил 30 октябрда шаҳар ҳокимлиги қошидаги Топонимик комиссия эътиборига ҳавола этилган. Аммо орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, бирон-бир амалий натижа йўқ. Шунингдек, Сирғали, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Яккасарой ва бошқа туманлардан тушган жами 40 таклифга ҳам шундай лоқайд ва эътиборсиз қараб келинган.

Ҳолбуки, шаҳар Топонимик комиссия зиммасига туманлардаги Топонимик комиссияси фаолиятини назорат қилиб бориш масъулияти ҳам юклатилган эди.

— Тўғри, туманлардан шундай таклифлар тушган, — дейди шаҳар Топонимик комиссияси котиби Эргаш Исматуллаев. — Лекин биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Шу таклифларни ўрганиб чиқаяпмиз. Ишчи гуруҳи мунтазам иш олиб бораяпти.

Эргаш Исматуллаев, бизни маъзур тутсин, бу сўзлар шунчаки баҳона. Чунки мавжуд ҳужжатлар шаҳар Топонимик комиссиясининг фаолияти мутлақо қониқарсиз аҳволда эканидан далолат беради.

Комиссия ўтган йили бор-йўғи икки марта, 1997 йил мобайнида эса фақат бир марта йиғилиш ўтказган, холос.

Э. Исматуллаев айтган «мунтазам иш олиб бораётган» ишчи гуруҳининг фаолиятини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг ўзи йўқ. Ҳарқалай, котиб уларни бизга топиб беролмади.

Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Яккасарой туманида ҳам аҳвол шунга яқин. Агар бугун туман ҳудудидаги кўчаларни айлансангиз кўзингиз **Левиневский, Дубинская, Карл Либкнехт, Роза Люксембург, Педагогическая** деган номларга тушади.

Тўғри, шўро замонида бу номларнинг обрў-эътибори жуда баланд, ваҳимаси отни ҳуркитар эди. Бунинг сабаби ҳаммага аён. Аммо бугун уларнинг бизнинг мақсадимиз, танлаган йўлимиз, дунёқарашимизга зиғирча алоқаси йўқ. Хўш, шундай экан, бу номлар нега ўзгартирилмаган? Тўғрироғи, ўзгартирмоқчи бўлишган — 1996 йил 5 сентябрида. Лекин бу қоғозда қолиб кетган. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори ижро этилмаган. Уни ижро этиш лозимлиги Яккасарой туман ҳокимиятидагиларнинг ҳозирча хаёлига ҳам келгани йўқ.

— Эртагаёқ бу кўчаларнинг номини ўзгартирамиз, — дейди ҳоким муовини, туман Топонимик комиссияси раиси Р. Иноғомов.

Эҳтимол, ростдан ҳам, ҳоким муовини айтган сўзининг устидан чиқиб, эртагаёқ кўчаларнинг номини ўзгартирар. Аммо гап бунда эмас. Ахир, бу ишларни амалга ошириш уларнинг бевосита хизмат вазифасига киради-ку! Нега энди буни кимдир албатта, эслатиши, ёдга солиши керак?! Қарор чиққанига бир йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, эртагаёқ бажарамиз дейишнинг ўзи эриш туюлмайдими?!

Акмал Икромов туманида ҳам худди шундай ҳолга дуч келасиз: **«Москва остонаси»** автобуслар шоҳбекати ёнида **«Ўроқ ва болға»** ҳамда **учта Ленин орденининг рамзи туширилган панно мавжуд.**

Биз Акмал Икромов тумани ҳокимининг муовини, Топонимик комиссия раиси Б. Тўлагановдан бунинг сабабини сўрадик. Қизиқ томони шундаки, Б. Тўлаганов туман ҳудудида коммунистик мафкурага хизмат қилган шундай панно ҳануз сақланиб турганидан бехабар экан...

Энди ўзингиз тасаввур қилинг: масъул раҳбарнинг ўзи бехабар бўлса, бу борада қандай ўзгариш бўлиши мумкин?!

4. «ЗОЯ ҚАЙСИ ВАТАН УЧУН ҚОН ТЎККАН?»

— Мен Мирзо Улуғбек туманидаги Еремян номли кўчада яшайман, — дейди Азимжон Жўраев. — Лекин кўчамиз номи билан юритиладиган Еремян аслида ким бўлган, унинг қандай улуғ хизматлари бор экан — шуни билмайман. Тўғри, бу ном кўчамизга собиқ шўро замонида қўйилган. Аммо шуни ўзгартириш ҳозирча ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ...

Таассуфли жойи шундаки, туман ҳокимликларидаги масъул раҳбарлардан бири ғалати фикрни айтди:

— Бугун жой номларини ўзгартиришга киришилди. Бу — яхши. Аммо бу ишда шошма-шошарлик қилиш ярамайди. Мана, айтайлик, Зоя Космодемьянская. Бу қиз уруш қаҳрамони. Ватан учун қон тўккан. Шу томонларини унутмаслигимиз керак-ку, ахир?!.

Ана холос. Зоя Космодемьянская қайси Ватан учун қон тўккан? Аслида ким бўлган ўзи?! Қолаверса, бизнинг бугунги ҳаётимизга, она Ватанга унинг нима алоқаси бор?! Биз унинг қайси жиҳатларини фарзандларимизга ибрат қилиб кўрсатишимиз мумкин?!

Шу гални эшитгач, беихтиёр, ҳамон эскича қарашдан воз кеча олмаган мана шундай раҳбарлар умумий ишимизга тўғаноқ бўлиб турмаяптимикан, деган хаёлга борасан киши.

Инсоннинг ватанни англаши, аввало, ўз уйи, маҳалласидан бошланади. Шу маънода кўча номи ҳам бевосита тарбияга дахлдор. Кўчамиз шундай ном олсинки, қаддимизни ғоз тутиб, фахрланиб юрайлик. Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қиладиган бир шоирнинг паспортида яшаш жойи шундай кўрсатилибди: **«Пушкино солор...»**

Нима дегани бу?

Албатта, халқимиз Пушкинни буюк шоир сифатида ардоқлайди. Бир қанча мактаб, кўча ва майдонларга шоир номи берилган. Фақат «Пушкино солор» деган ибора нимани англатади — мана шу бизни ажаблантиради, холос.

Атоқли шоир Абдулла Орипов шундай ҳикоя қилади:

— Яқинда Италияга сайр қилдим. Қадимий Римнинг кўчасидан кетаётиб, деворда сувратга кўзим тушиб қолди. «Абу Али ибн Сино». Суриштириб билсам, римликлар шу кўчани улуғ бобомиз ҳурматини қилиб Ибн Сино деб аташган экан. Ўша пайтдаги ҳолатимни тасаввур эта олмайсиз. Ишонсангиз агар, севинганимдан кўзларимга ёш қалқди. Узоқ бир юртда сенинг тарихингга бевосита алоқадор номни учратсанг, қувонмай бўладими, ахир?!

5. УЙҒОҚ СЎЗ ҚУДРАТИ

Ҳар бир замоннинг ўз сўзи, ўз даъватлари бор. Зеро, бу кишиларнинг дунёсини ўзида акс эттиради. Яқинда Юнусобод туманидаги никоҳ уйларидан бирига кирдик. Бино ўта замонавий, хоналар дид билан жиҳозланган — кўрган кўзни қувонтиради. Аммо никоҳ уйининг бирон-бир жойида оила ва никоҳнинг аҳамиятини англатувчи сўз кўринмайди. Ахир, ҳар куни ўнлаб ёш йигит-қизлар шу ерга кириб келади, янги оила қуради. Оила муқаддаслиги ҳақидаги ёзувларга кўзлари тушса, оила ва никоҳнинг нақадар масъулиятли эканини чуқурроқ ҳис этишмайдими?!

Биз шиорбозликни тарғиб қилаётганимиз йўқ, аксинча, уйғоқ сўзнинг инсон тафаккурига таъсирини таъкидламоқчимиз, холос.

Баъзан эса, шундай ҳолнинг аксига дуч келасанки, дафъатан, ажабланганингдан йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмай қоласан, киши.

Шаҳардаги Ҳамид Олимжон майдонига кириб боришда, катта кўприкнинг ўнг томонида шундай битик ёзиб қўйилган: **«Халқнинг келажагига ишончи — истиқлолнинг энг буюк гаровидир. «Амир Темур».**

Яхши фикр, аммо мантиқ ва мазмун кишини ажаблантиради: соҳибқирон бобомиз олти асрдан кейин набиралари эришадиган истиқлол ҳақидаги бу фикрини кимга ва қачон айтган экан?!

Яқинда Президентимиз «Озодлик» ва «Би-Би-Си» радиостанциялари мухбирлари билан бўлган мулоқотда: — Ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ислоҳот авваламбор пастдан бошланиши керак, — деган фикрни айтди.

Бу ҳаётий фикр номлари тартибга солиш билан боғлиқ юмушларга ҳам тўла тааллуқли. Номларни тартибга солиш шунчаки мавсумий тадбир эмас, балки одамларнинг фикрлаш тарзи, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартиришга хизмат қиладиган жиддий ислоҳотдир. Зеро, кўчаларимизнинг номи ҳам бизнинг эзгу мақсадларимиз, бой тарихимиз, улуғларимизнинг ёдини ўзида мужассам этсин. Узукка қўйилган кўздек кўчаларимизга ярашиб турсин...

Шодиқул ҲАМРОЕВ,
Нишонбой ХЎЖАЕВ.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Покистон ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномага бўлган муносабатини бирданига ўзгартирди. Покистон ташқи ишлар вазири Гохар Айюб Хон айтдики, агар ён қўшнимиз Ҳиндистон биринчи бўлиб ушбу ҳужжатга имзо чеккан тақдирда ҳам биз бундай қилмаймиз.

***

Ироқ БМТ махсус комиссияси аъзоларини Президент объектларини текшириш учун киритмоқчи эмас ,деди комиссия бошлиғи.

***

Бактериологик қуролларни қўллаш эҳтимоли кучайганлигини назарда тутиб,АҚШ мудофаа вазири Коэн 1,5 миллионлик Америка армияси аскарларини вакцинага қарши эмлаб,уларни Сибирь ярасидан асраб қолиш ҳақида буйруқ берди.

***

АҚШ турмаларида ўтиб бораётган йилда 74та ўлим жазоси берилган суд қарори ижро этилди. Бу 76 ўлим жазоси ижро этилган 1955 йилдан бери энг юқори кўрсаткич.

***

Грузия Президент Эдуард Шеварднадзенинг ушбу мамлакатга ташрифи давомида саккизта икки томонлама келишувга имзо чекишди.

Улар мудофаа ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришмоқчи. қўшма лойиҳалар асосида Грузия Каспий бўйи ва Марказий Осиёдан Болгарияга нефть етказиб берадиган бўлди.

***

Исроил яқин келажакда ўз қўшинларини Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилидан олиб чиқиб кетмоқчи эмасга ўхшайди. Мамлакат ҳукумати эса беш ой мобайнида Фаластин мухторияти маъмурияти ўз олдидаги мажбуриятларини қандай бажараётганини текширмоқчи.



Таиланд бинокорлиги.

Қардошларимиз ҳаётидан

АҚМОЛА -- ЯНГИ ПОЙТАХТ

Қозоғистон ҳукумати пойтахтни Алматидан Ақмолага кўчирди. Бу ўзгариш мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида стратегик аҳамият касб этадими? Бугунги кунда кўпчиликда шундай савол туғилиши табиий.

Шу муносабат билан Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси **Қорабек Қосимбек ўғли Акимбеков** билан суҳбатлашдик.

— Пойтахтни Алматидан Ақмолага кўчирилишининг маълум сабаблари бор, албатта. Биринчидан, Алмати республиканинг чеккасида жойлашгандир. Иккинчидан, Алматини тоғлар қуршаб олган. Маълумки, пойтахт йилдан-йилга кенгайиб бориши керак. Аҳоли сони ҳам кескин ортиб бормоқда. Шу сабабли у уй-жой, коммуникациялар кенгайиши давр тақозосидир. Бунинг Алмати шаҳрида имкониятлари чегараланган. Алматида экологик аҳвол ҳам йилдан-йилга бузилиб боряпти. Автомобиллар ҳам кўпайиб кетган. Шуларни ҳисобга олиб, республика Президенти ҳукумат ва парламент пойтахтни Ақмолага кўчиришга қарор қилди.

— **Ақмоланинг қандай стратегик аҳамияти бор?**

